

УДК: 330.332.

**ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИ БОШҚАРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

доцент., **Сиддиқов Захид Тулкунович,**
доцент., **Мардиев Нурали,**
ассистент., **Нормуродов Сарвар Норбой ўғли,**
(Тошкент давлат аграр университети, ТДАУ),
E-mail: s.n.normurodov@bk.ru

***Аннотация:** Ушбу мақолада ҳудуднинг туристик салоҳиятини оширишда ДХШ механизмдан фойдаланишнинг устувор йўналишларини асослаш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш йўллари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** давлат-хусусий шерикчилиги, туристик кластерлар, транзит режим, диверсификация, санитария-эпидемиологик хавфсизлик.*

***Аннотация:** В статье описаны пути разработки научно-практической рекомендации и предложения по обоснованию трехстороннего подхода использования механизма ГЧП в повышении туристского потенциала региона.*

***Ключевые слова:** государственно-частный туризм, туристический кластерлар, транзит режим, диверсификация, санитарно-эпидемиологический риск.*

***Annotation:** The article describes ways to develop a scientific and practical recommendation and proposals for substantiating a tripartite approach to using the PPP mechanism to increase the tourism potential of the region.*

***Key words:** public-private tourism, tourist klatztelap, tranzit pezhim, divepzification, canitapiro-epidemiological risk.*

Кириш. Мамлакатимизда ҳам туризм соҳаси истиқболли йўналишлардан бири сифатида қаралиб ҳукуратимиз томонидан соҳа ривожини таъминлаш бўйича турли дастурлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, туризмнинг пандемиядан кейинги тараққиётинининг устувор йўналишларини белгилаш, илмий тадқиқ этиш бўйича изланишларни кенг қўламда олиб боришга эътибор қаратилмоқда. Ўрганишларимиз ва тадқиқот натижаларига кўра падемия таъсирини камайтиришда даставвал қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни:

Биринчидан, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини оширишга ҳамда мамлакатни инқироз ҳолатларидан олиб чиқишга ёрдам берувчи ижтимоий туризмни янада кенгайтириш, миллий туризм бозорига минглаб маҳаллий ижтимоий йўналишда ишловчи туристик корхоналарини қайтариш зарур.

Иккинчидан, туристик маҳсулотнинг истеъмол қиймати кўп жиҳатдан рекреацион ресурслар сифати билан белгиланганлиги сабабли, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Туризм соҳаси ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, у бутун дунёда бюджетни қайта тақсимлаш эмас, балки тадбиркорлик ҳудудини ифодалайди. Ушбу жараёнларда давлат туризм сиёсатини, унинг устувор йўналишларини белгилаб бергани ҳолда ички ва ташқи туризм бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, ижтимоий-иқтисодий механизмларни тартибга солади. Бу эса туристик корхоналарнинг давлат томонидан тартибга солинадиган бозорда фаолият кўрсатишларига сабабчи бўлади. Бозордаги иккинчи субъект, истеъмолчилар турли уюшма ва жамиятларга бирлашиб, туристик хизматлардан фойдаланадилар ва ижтимоий туристик маҳсулотга талабни шакллантирадилар. Уларнинг ҳаракатини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича тартибга солувчи давлат органлари билан мулоқотга киришадилар¹.

¹ Экономические стратегии активных городов. - СПб.: Наука, 2002. – 212 с.

Ушбу жараёнда ҳар бир мамлакат ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади, натижада миллий туризм пайдо бўлади. Яъни одамларнинг ҳордик чиқариш, соғламлаштиришга (рекреацияга) йўналтирилган, аҳолининг барча қатламлари фойдалана оладиган туризм тушунилади. Туризмда хусусий сектор улуши ошаётган шароитида ижтимоий туризмнинг истиқболи бироз сўроқ остида қолади ва буни ечими ҳукумат томонидан ишлаб чиқилиши талаб қилинади.

Кейинги даврда маҳаллий аҳоли реал даромадларини ошиши ҳамда чиқувчи туризм учун кенг ва қулай шароитларни яратилиши маҳаллий туроператорлар ушбу йўналишдаги фаолиятларини жонлашниши ва аҳолини узоқ хорижга юбориш билан шуғулланишга қизиқишини ортиши натижасида хориждаги бандлик, туризм инфратузилмаси кўтарилишига ҳисса қўша бошладилар. Бу эса маҳаллий туроператорларнинг ички туристик хизматлар бозорида ишлашини кенгайтириш, арзон турлар ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний равишда иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқишга зарурат мавжудлигини кўрсатмоқда¹.

Мамлакатимизда туризмни ривожланиш даражасини баҳолаб ўтиш мақсадида қисқача статистик маълумотларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Умумий хулосага эга бўлиш учун пандемиядан олдинги ҳолатни қараб чиқамиз, пандемия бу соҳада кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. Рақамларни кўрсатишча пандемиядан олдинги даврда, яъни 2019 йилда жами ташриф бюрувчилар сони 6748512 кишини ташкил қилган бўлса, шундан 1043929 таси сайёҳлик мақсадида келганлиги мавжуд туристик салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини тасдиғидир². 2021 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 3 марта ошган бўлсада, туризмда ДХШ механизмини такомиллаштириш орқали

¹ Ўзбекистонда туризм. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2020, 38-бет.

² Ўша жойда қаранг

мавжуд туристик салоҳиятдан фойдаланиш, ички туризм бозорини жонлантириш, моддий базани мустаҳкамлаш мумкин.

Иқтисодиётнинг туризм тармоғи ривожланишидаги энг муҳим омиллар табиий-рекреация ва тарихий-маданий имкониятлардир. Бой маданий ва табиий салоҳиятнинг мавжудлиги, ҳаттоки иқтисодий ривожланмаган мамлакатларга ҳам туризмни ривожлантириш соҳасида фаол давлат сиёсатини олиб бориш шarti билан жаҳон туризм бозорида муҳим мавқега эга бўлиш имкониятини беради¹.

Ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: саёҳатчиларнинг ҳуқуқларини, ички туризм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ички ва ташқи туризмни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Бундай қўллаб-қувватлаш шакллари туристик инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар, кадрлар тайёрлаш харажатлари, миллий туристик маҳсулотни жаҳон бозорига чиқаришни реклама ва ахборот билан таъминлаш, инвестицияларнинг кириб келишини, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришни рағбатлантирувчи солиқ, божхона имтиёзларидир².

ДХШ механизмидан миллий, маҳаллий туристик маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда тариб қилишда самарали фойдаланиш мумкин. Жаҳон туризм бозорида етакчи ўринларни эгаллаб турган мамлакатларнинг миллий туризм маъмуриятлари маблағларининг ярмидан кўпи айнан шу мақсадлар учун ажратилади ва бу ўз навбатида глобал молиявий инқирознинг олдини олиш ҳамда таъсирини камайтиришга ёрдам бергани ҳолда туризмни ДХШ орқали тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга имкон берди³.

Туризмни тартибга солиш сиёсати борасида ДХШ маҳаллий ва хориж тажрибаси борасида ўтказилган таҳлил қатор сабабларга кўра мамлакат умумий

¹ Завлин П.Н., Васильев А.В. Оценка эффективности инноваций. – СПб.: «Бизнес-пресса», 2006. – 216 с.

² Ўша жойда қаралсин.

³ Гермогенов М.А. Основные направления и проблемы государственного регулирования туризма РФ. / Туризм и отдых. – 2007. – №7. – С. 42 – 46.

ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нуқтаи назаридан туризм муаммоларини ҳал қилиш зарурлигини кўрсатади¹.

Биринчидан, туризм соҳаси ташкилотлари нисбатан пастроқ иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлишига қарамасдан, минтақа ва умуман мамлакат иқтисодий-ижтимоий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Иккинчидан, соҳани ривожлантириш жуда катта ҳажмдаги инвестицияларни ва молиявий ресурсларни жамлашни ҳамда ҳар бир босқичда у қурилиш, реконструкция босқичи бўлсин, корхонанинг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш босқичи бўлсин кўплаб иштирокчиларни (ҳокимият органлари, бизнес, жамоат ва илмий ташкилотлар) ўз ичига олади².

Учинчидан, амалиёт шуни кўрсатадики, инвестицияланган капитални қайтариш бўйича энг юқори натижаларга туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида ривожланган кузатувчи инфратузилма ва рақобатбардош туристик маҳсулотни шакллантириш мумкин бўлганда эришилади.

ДХШ механизми асосида туристик фаолиятни ва сиёсатни юритиш бир қанча ижтимоий, таркибий-саноат, минтақавий, ташқи иқтисодий, бандлик ва молиявий сиёсат каби таркибий қисмлардан ташкил топади. Шунингдек, ҳудудий даражадаги туризм сиёсатида ДХШ мақсадларини асослаш айнан мавжуд туристик салоҳиятни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Ташқи муҳит омилларнинг прогнози туризм фаолияти нуқтаи назаридан энг муҳим экологик омилларнинг ривожланиш ҳолати ва истиқболларини баҳолашни ўз ичига олади ва уларга ДХШ ўзининг туризм сиёсати билан бевосита таъсир кўрсата олмайди. Ташқи муҳитни таҳлил қилиш юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар ва янги имкониятлар пайдо бўлишини ўз вақтида аниқлаган ҳолда қўйилган мақсадларга эришиш учун етарли ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш имконини беради. Ташқи муҳитни таҳлил қилганда,

¹ Жуков А.А., Загорин Н.Д. Инновационные аспекты управленческой деятельности на предприятиях сферы туризма. Новое в высшем профессиональном образовании. – СПб.: Издательство Д.А.Р.К., 2006. – 224 с.

² Жуков А.А., Загорин Н.Д. Инновационные аспекты управленческой деятельности на предприятиях сферы туризма. Новое в высшем профессиональном образовании. – СПб.: Издательство Д.А.Р.К., 2006. – 224 с.

ички ва ташқи туризмнинг омиллари таҳлилини, алоҳида давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички ва ташқи туризмда туристик оқимларнинг интенсивлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш керак бўлади.

Туризм соҳасини ривожлантиришда ДХШ механизмининг стратегик мақсади маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган янги иш ўринлари ва валюта тушумини оширадиган, маданий ва табиий меросни сақлаб қолиш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган рақобатбардош туристик мажмуани, хизматларни яратиш.

Хулоса ва таклифлар. Шунини айтиш жоизки, туризм сиёсатини шакллантириш тамойиллари барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг тенглиги, истеъмолчилар ҳуқуқларини, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш каби иқтисодий сиёсатнинг асосий қадриятларини туризм соҳасига нисбатан акс эттириши лозим.

Туризм соҳасини ДХШ асосида тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг ҳар бир босқичида мақсадларга эришиш даражасини аниқлашга имкон берувчи миқдорий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш орқали ушбу механизм самарадорлигини баҳолаш мақсадли мезонлари ва кўрсаткичлар тизимини шакллантирилади.

Туризмни ривожлантириш бўйича ДХШ тизими самарадорлигини оширишга туризмни давлат-хусусий тартибга солишнинг асосий йўналишларини амалга оширишга муаллифлик ёндашувини қўллаш орқали эришилади.

Ўтказган тадқиқотларимиз давомида минтақада туризм соҳасини ривожлантиришнинг режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, тузатиш киритиш ва мажмуавий тармоқ муаммоларини турли вариантларда ҳал қилиш асосида узоқ муддатли истиқболда самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ва турдош секторларда намоён бўлиши хилма-хиллигини ҳисобга оладиган ДХШ тизими шакллантирилди.

Ҳар қандай тизим каби туризм соҳасини ривожлантиришда ДХШ бошқарувининг асосий йўналиши бўлиб мониторинг тизими майдонга чиқади. ДХШ бошқаруви асосидаги мониторинг тизимининг асосий мақсади – бозор

ожизликларига, инқироз ҳолатларига жавобан тадбирлар ишалаб чиқиш эмас, балки уларни олдини олиш асосида тартибга солишга ўтиш, туризм ривожланиши ва хатарларни прогнозлаш, ДХШ жараёнига янги АКТларни ва замонавий бошқарув усулларини жорий қилиш ҳисобланади.

Демак, ДХШ механизми асосида туризмни комплекс ривожлантириш учун соҳа ривожланишини режалаштириш, кадрлар таъминоти, туризм соҳасида ИТИларни таъминлаш, туризм субъектларини қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳит ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш, мамлакат ва минтақанинг туристик имижини яратиш, туристик фаолиятини назорат қилиш, ягона ахборот макони, ахборот-туристик марказлар тармоғини яратишни ўз ичига оладиган туризмнинг ривожланишини рағбатлантириш ва бошқариш дастурий-мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони \\ lex.uz
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
3. Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова. Ташкент, 2013. – 248 с.
4. Азар В.И. Экономика и организация туризма. М.: Профиздат, 1993.
5. Трусова Н.С. Управление инвестиционной активностью регионов инструментами налоговой политики. Автореферат. дисс. на соиск. учен. степ. канд. экон. Наук. Курск – 2014.
6. Усманова Д. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Икт. фан..дисс. – Самарканд, СамИСИ, 2009. – 25 б.